

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЯРОВ РАХМАТЖОН ТОЖИНОРОВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ
ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲАРАКАТЛАРИДАН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Бердияров Рахматжон Тожинорович

Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф
харакатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш 3

Бердияров Рахматжон Тожинорович

Гражданско-правовая защита субъектов предпринимательства от
неправомерных действий налоговых органов 23

Berdiyarov Rakhmatjon Tozhinorovich

Civil protection of business entities from illegal actions of tax authorities 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЯРОВ РАХМАТЖОН ТОЖИНОРОВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ
ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲАРАКАТЛАРИДАН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маълуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида E2021.2.PhD/Yu533 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида Соғварилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сайдига (www.tsul.uz) ва «ZiyoNoma» Ахборот-таълим порталига (www.ziyouma.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рўзиназарон Шухрит Нуралиевна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий ошмонетлар:	Бабакулов Сотиболди Бабишарович юридик фанлар доктори, профессор Раҳмонкулова Нилуфар Ходжа-Ақбаровна юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи таъшилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти


Диссертация хавмаси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DS.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 11 август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайхонтоқ кўчаси, 35-уй, Тел: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида таъинлаш мумкин 971-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри А.Темур кўчаси, 13. Тел: (99871) 233-66-36.


Диссертация автореферати 2021 йил «27» июль куни тарқатилди.

(2021 йил «27» июлдан 6-рақамли реестр баённомаси).




И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор


Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, юридик фанлар
номводи, профессор


С.С. Гулимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юз бераётган коронавирус пандемияси шароитида аҳоли даромадларини сақлаб қолиш, ишлаб чиқариш суръатлари ва иш ўринларини яратиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини ўрни ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти 2020 йилда солиқ тўловчиларга солиқ маъмурчилиги орқали солиқ мажбуриятларида кенгроқ кўмаклашиш, улар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиққанлиги¹ ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги халқаро кўрсаткичлар 0-18 балл оралиғида баҳоланган бир шароитда 110 га яқин давлатларда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг сифат кўрсаткичи 8 баллдан паст эканлиги² назорат қилувчи органларининг, жумладан солиқ органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш, тадбиркорлик субъектларини мулквий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини қўллашга алоҳида эътибор қаратиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Жаҳондаги глобал иқтисодий инкирозни бартараф этишда тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутиб, уларга солиқлар воситасида имтиёзлар бериш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга кенг аҳамият берилмоқда. Бунда давлатнинг назорат қилувчи органлари, хусусан солиқ органларининг масъулиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишда мулквий дахлсизлик ва тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари устуворлиги тамойилларига риоя қилишини таъминлашга қаратилган масалаларга долзарб тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли солиқ текширувлари бўйича мораторий жорий этилганлиги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим амалий чора бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, пандемия шароитида иқтисодиётни барқарор ишлаши учун тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш шартлиги, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим³. Бироқ, ҳамон назорат қилувчи органлар хусусан, солиқ идораси мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлиш ҳолатлари мавжудлиги⁴ ва «шубҳали солиқ тўловчилар» рўйхатини шакллантиришга доир ҳаракатлар жиддий эътирозларга сабаб бўлаётганлиги фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини илмий-назарий ва амалий ёндашувлар асосида ўрганиш, қонун ҳужжатларини рақамли ҳуқуқий тартибга солиш тенденцияларини инобатга

¹ <https://www.oecd.org/coronavirus/policy-responses/tax-administration-responses>

² <https://www.doingbusiness.org/en/reports/global-reports/doing-business-2020>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. / <https://www.president.uz/uz/lists/view/4057>

⁴ <https://www.anticorruption.uz/uzc/item/2020/12/16/tadbirkorlik-faoliyatiga-tosiq-bolayotgan-korrupsion-holatlar-bojicha-sorovnomma-otkazildi>

олиб такомиллаштириш объектив зарурият эканлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш¹, тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларини белгилаш² амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (2018), Солиқ кодекси (2019), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2015) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020) фармонлари, «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2021) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари мустақил тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг умумий масалалари мамлакатимизнинг цивилист олимлари Х.Раҳмонқулов, И.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Рўзиназаров, К.Синдаров, И.Насриев, Т.Умаров, Х.Азизов, Э.Эгамбердиев, С.Бабакулов, М.Баратов, Н.Имомов, В.Эргашев,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. №6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сонли Фармойиши // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон.

А.Мухаммадиев, М.Саттарова, Қ.Меҳмонов кабилар томонидан, солиқ маъмуриятчилигидаги иштироки Э.Хожиев, И.Эргашев, И.Турабоев, Б.Норматов, Д.Артиков, Б.Исроилов, З.Қурбановнинг илмий тадқиқотларида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги айрим жиҳатлари Б.Сайфуллаев, М.Эшимбетов, С.Солиев, И.Ҳакимова, Ш.Назаровлар томонидан ўрганишлар олиб борилган. Шунингдек, МДХ давлатларида солиқ органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки ва жавобгарлик масалалари Ш.М.Алимбеков, Г.Н.Гиззатуллина, В.Г.Гуца, М.А.Двигун, М.Г.Жмырко, Р.Ш.Менглиев, И.А.Федоров, Е.А.Корнева, О.А.Иванова, И.В.Усачев, Ю.С.Рипинский, В.П.Скарюкин, Т.Т.Шиктыбаев, Н.Н.Шиналиев, М.Ю.Чельшев каби ҳамда хорижий мамлакатларда J.Adamson, C.Brettschneider, I.Lee, A.Richard, R.Surma, L.Steven ва бошқа олим ҳамда тадқиқотчилар томонидан муайян даражада ўрганилган¹.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, юқорида номлари келтирилган хорижий олимларнинг ишлари асосан, солиқ органларининг деликт муносабатлардаги иштирокининг муайян жиҳатлари ўрганилган бўлсада, бироқ мамлакатимизда солиқ органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки, хусусан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, қонунга хилоф ҳужжат қабул қилганлик, қонунга хилоф хатти-ҳаракати оқибатида зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари борасида алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган. Шу сабабли ушбу мавзуда комплекс тадқиқ этиш ғоятда долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши Тошкент давлат юридик унивеститетидаги БФ-1-012 «Инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш» номли фундаментал грант (2019 – 2021 й.й.) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммоларини комплекс ўрганиш, бу борадаги доктринал қоидаларни ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун илмий-назарий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тушунчаси, ўзига хослиги, фуқаролик-ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш институти ва бу борадаги қонун ҳужжатларининг ривожланиш тенденциясини ўрганиш;

солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан тадбиркорлик

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тамойиллари ва усулларининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

солиқ органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга ҳилоф деб топишнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиатини тавсифлаш ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатларини ҳуқуқий таҳлил қилиш;

рақамли реаллик шароитида тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ва солиқ органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва хорижий мамлакатларнинг энг яхши тажрибаларини ўрганиш асосида тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети мавзуга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-назарий доктринал қарашлар ҳамда амалий муаммоларни таҳлил қилиш, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва энг яхши тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш билан боғлиқ масала ва муаммоларни тизимли ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот давомида тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик сўров, индукция ва дедукция, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларининг таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат органларининг қарорлари, ҳаракатларига нисбатан низоларда маъмурий органлар, мансабдор шахслар, қарорлар, манфаатдор шахслар каби тушунчаларнинг моҳияти ўрганиш ва судга мурожаатлардаги ўзига хос жиҳатларни инобатга олиш зарурлиги асослантилган;

солиқ органлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитини ўтказишда электрон тарзда Бизнес-омбудсманни хабардор қилиш лозимлиги асослаб берилган;

тадбиркорларнинг ташқи савдо операциялари бўйича юзага келган қарздорлигига нисбатан жарималар қўллашни тўхтатиш асосида уларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилган;

тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб Бизнес-омбудсманга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозимлиги асослаб берилган;

Бизнес-омбудсманга тадбиркорлар манфаатида судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш

ҳуқуқини белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилиниши мумкинлигини инобатга олиб, оммавий-ҳуқуқий муносабатларда бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини таъминлаш суд, маъмурий тартиб ва бошқа муқобил ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш мумкинлиги асослантирилган;

солиққа оид низолар, хусусан тадбиркорлик субъектларининг солиқ соҳасидаги барча мурожаатларига нисбатан низони судгача ҳал этиш чорасини кўриш лозимлиги ва бу тартибни жорий этилиши борасидаги таклифлар ишлаб чиқилиб, унинг ҳар бир тараф учун амалий аҳамияти ва афзалликлари кўрсатиб берилган;

солиқ органлари ваколатига ўтказилган (берилган) юридик шахс солиқ қарздорлигини мол-мулкка қаратиш ва молиявий санкцияларни қўллаш ваколатларини суд тартибида амалга ошириш лозимлигини қонунчилик ва суд амалиёти таҳлиллари асосида асослаб берилган;

тадбиркорлар ҳимоясини таъминлашдаги самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни белгилашга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни устуворлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

давлат органлари, мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан мурожаатларни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштириш учун «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори лойиҳаси тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари хорижий ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди, ижтимоий сўровлар ўтказилди, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди ҳамда олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари нуфузли миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинди, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан мавзуга доир янги илмий тадқиқотлар олиб боришда, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, олий юридик таълим муассасаларида фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқ, маъмурий процессуал ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи соҳасидаги фанларни ўқитишда ғоятда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, суд томонидан давлат органлари ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсининг ҳаракатини қонунга хилоф деб топиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлигида ифодаланади ҳамда унинг натижаларидан моддий ва процессуал қонун ҳужжатларини тайёрлаш, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат органларининг қарорлари, ҳаракатларига нисбатан низоларда маъмурий органлар, мансабдор шахслар, қарорлар, манфаатдор шахслар каби тушунчаларнинг моҳияти ўрганиш ва судга мурожаатлардаги ўзига хос жиҳатларни инобатга олиш зарурлиги ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги Қарорининг 3-6-бандларида ҳамда 2020 йил 3 июлдаги «Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Пленум Қарорининг 2,13-бандларида ўз аксини топган (Олий суднинг 2020 йил 5 ноябрдаги 08/УМ-532-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши маъмурий орган мансабдор шахси, қарори, ҳаракатсизлиги, манфаатдор шахслар тушунчаларига ҳуқуқий таърифлар берилишига ҳамда ушбу туркумдаги низоларда судларга мурожаатнинг ўзига хусусиятларини кўрсатиб беришга хизмат қилган;

солиқ органлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитини ўтказишда электрон тарзда Бизнес-омбудсманни хабардор қилиш лозимлигига оид таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги 2021 йил 7 январдаги 1-сонли Қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 4 майдаги 12/21-22-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилинганлиги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман)ни сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитида электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали хабардор қилган ҳолда амалга оширишни белгиланишига ҳамда тадбиркорларнинг солиқ текширувларидаги ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилган;

тадбиркорларнинг ташқи савдо операциялари бўйича юзага келган қарздорлигига нисбатан жарималар қўллашни тўхтатиш орқали қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмини белгилаш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сонли Қарорининг 10-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 4 майдаги 12/21-22-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги тадбиркорларнинг ташқи савдо операциялари бўйича юзага келган қарздорлигига жарималар миқдорини камайтириш ва молиявий жарималарни қўллашни тўхтатишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беришга ва шу асосида уларни молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилган;

тадбиркорлик субъектларининг манфаатида Бизнес-омбудсманга Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозимлиги ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелдаги янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги тўғрисидаги Қонунининг 27-моддаси қоидаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 07 майдаги 06/1-05/2499-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилиш асосида ҳуқуқий ҳимоя қилишни белгиланишига хизмат қилган;

Бизнес-омбудсманга тадбиркорлик субъектларининг манфаатида судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқини белгилаш лозимлиги ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг 1-моддаси, 20-бандида, «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси, 20-бандида, «Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси, 16-бандида ўз ифодасини топган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ

масалалари кўмитасининг 2021 йил 07 майдаги 06/1-05/2499-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши Бизнес-омбудсманга тадбиркорлик субъектларининг манфаатида маъмурий, иқтисодий ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш имкониятини яратиш асосида тадбиркорлик субъектларини судларда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий анжуманларда жумладан, 5 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шу жумладан ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 13 та мақола (11 та республика, 2 та хорижий) журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 10 параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг умумий тавсифи»** деб номланган биринчи бобида давлат органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан ҳуқуқий ҳимоя институтининг ривожланиши, тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишдаги тамойиллар ва бу борадаги қонун ҳужжатларининг ривожланиш босқичлари, фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усул ва воситалари таҳлили ҳамда уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши тадқиқ қилинган.

Тадқиқотда мамлакатимиз (Ҳ.Раҳмонқулов, О.Оқюлов, Ш.Рўзиназаров, М.Баратов, К.Синдаров, А.Мухаммадиев, Х.Азизов, Ф.Отахонов, В.Топилдиев, Т.Умаров, Д.Қараходжаева) ва хорижлик (Ш.М.Алимбеков, А.В.Вайпан, В.Г.Гуща, Ю.С.Бережной, А.Г.Демиева, Е.В.Рябова,

Н.Н.Шиналиев, М.Ю.Чельшев, А.П.Сергеев, Д.А.Петров, А.В.Лаптев) олимлар ва тадқиқотчиларнинг мавзуга доир қарашлари таҳлил этилиб, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва давлат солиқ органларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан фуқаролик ҳуқуқий воситаларни қўллаш борасидаги ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ўзига хос мураккаб ҳуқуқий институт эканлиги, миллий давлатчиликнинг тарихий даврларида ҳам тадбиркорлик фаолиятига давлат органлари томонидан қонунга хилоф равишда аралашуш, зарар етказиш, тўсқинлик қилиш каби қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд бўлиб улар аксарияти солиқ идораси вакиллари томонидан содир этилганлиги, ушбу даврларда тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида аниқ ҳуқуқий механизм мавжуд бўлмасда, умумий тарзда шарият қоидалари асосида қозилик судлари ҳамда давлат бошқаруви ҳокимияти томонидан муайян даражада тартибга солинганлиги тарихий ва ҳуқуқий манбалар асосида очиб берилган.

Қонунчиликдаги такомиллашувлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардаги низоларда ҳам фуқаролик қонунчилигини қўллаш имкониятларини кенгайтирганлиги таҳлил қилиниб, солиқ органлари томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича фактик ваколатларга эга бўлиши (СКнинг 14-моддаси), ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқлар бўйича фоизларни инобатга олган ҳолда қайтариш (104-105-моддалар), солиқ мажбуриятларида кафиллик, банк кафолати, мол-мулк гарови институтлари жорий этилиши (106-модда), солиқ қарздорлигини мол-мулк ҳисобидан ундириш (123-модда), тадбиркорлик субъектларига молиявий санкцияни қўллаш (218-модда) ваколатини судлардан солиқ органларига ўтиши, солиқ қарздорлиги бўйича ўзаро келишув тартиб-таомилини жорий этилиши (175-модда) фуқаролик-ҳуқуқий институтларнинг қўлланишига эҳтиёж туғдиришига омил бўлиши ва уларнинг аҳамияти ўрганилади. Фуқаролик қонунчилигидаги иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги, шартноманинг эркинлиги, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашушига йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар тикланиши, бузилган ҳуқуқларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш каби универсал тамойиллар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўлланиши имконияти юзага келганлиги асослангирилиб, тамойилларни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи (жумладан, давлат органларининг қонунга хилоф ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қаратилган) меъёрий ҳужжатларнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилиниб, уларни диссертант томонидан шартли равишда учта босқичга (1991-2004 йиллар, 2005-2016 йиллар ҳамда 2017 йилдан кейинги давр) таснифлаш таклиф этилган ҳамда

ушбу даврларда қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмуни ва тадбиркорлик субъектларини давлат органларининг хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Тадқиқот ишида фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларининг моҳияти ва уларни солиқ органларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатига нисбатан қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, тадбиркорлик ҳуқуқларни ҳимоя қилишни тавсифловчи тушунчалар бўлган «ҳимоя чоралари», «ҳимоя усуллари», «ҳимоя шакллари», «ҳимоя воситалари», «ҳимоя механизмлари» борасидаги илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган барча чоралар, усуллар ва ҳимоя шакллари бевосита ва билвосита фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларини ўзида мужассамлаштириши асослантириб берилган.

Диссертант томонидан хорижий давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш вақти келганлигини таъкидлаб, оммавий-ҳуқуқий муносабатларга доир низоларда ҳуқуқий ҳимояни таъминлашда янги усулларидан фойдаланиш хусусан, давлат органининг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган битимнинг ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, раддия беришни талаб қилиш каби усулларни қонунчиликка киритиш таклиф этилган.

Хорижий мамлакатларнинг (Хитой, Япония, Украина, Россия) солиқ низоларини судгача ҳал қилиш борасидаги тажрибалари таҳлил қилиниб, қонунчилигимизда солиқ органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан маъмурий тартибда берилган шикоят натижасидан норози бўлганда судга мурожаат қилиш механизмнинг жорий этилиши нафақат солиқ органи учун балки тадбиркорлик субъектлари учун ҳам бир қатор афзалликлари яратиши, хусусан, эътирозлар қисқа муддатда кўриб чиқилиши, камчиликлар тасдиғини топганда хатоларни ўз вақтида бартараф этиш ва бузилган ҳуқуқларни қисқа муддатларда тиклаш имконини бериши, ортиқча чиқимлар олдин олиниб, маблағларни тежалиши ҳамда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик принципини мустаҳкамланишига хизмат қилиши асослантирилган.

Диссертациянинг «**Солиқ органлари ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсининг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топишнинг цивилистик мазмуни**» деб номланган иккинчи бобида солиқ органлари ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тушунчалари ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати, ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимидаги ўрни ва аҳамияти, моддий ва процессуал ҳуқуқий асослари ҳақидаги илмий-назарий қарашлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот йўналишида мамлакатимиз (М.Абдусаломов, Э.Эгамбердиев, В.Эргашев, М.Сатторова, Н.Эгамбердиева, Қ.Мехмонов, Д.Хабибуллаев, Ф.Ибраторова, И.Салимова, Х.Вохидов, Ж.Неъматов, Д.Артиков, Б.Норматов) ва хорижлик (М.Г.Жмырко, Г.К.Матвеев, А.Г.Певзнер, О.С.Иоффе, Е.А.Суханов, В.А.Сивицкий, А.Г.Карапетов, М.С.Кораблева М.А.Двугин, В.В.Шерин, Р.Ш.Менглиев) олим ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашларини таҳлил қилиниб, уларнинг фикр-мулоҳазалари асосида тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида илмий-назарий гипотезалар, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича муаллифлик таклифлари ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан давлат органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш миллий қонунчиликдаги нисбатан янги ҳимоя усул эканлиги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2015 йил 20 августдаги Қонуни билан “мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш” ҳимоя усули процессуал қонунчиликка жорий қилинганлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида судлар томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилаётганлиги, бироқ унинг моддий-ҳуқуқий асослари қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топмаганлиги тавсифлаб берилган. Шу боис, солиқ органи ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш ҳимоя усулининг ҳуқуқий табиатини таҳлил этиб, бунинг асоси оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқсада, низони ҳал этишда маъмурий ҳуқуқ нормалари эмас, балки тенгликка асосланган фуқаролик ҳуқуқи нормалари тадбиқ этилиши, ҳуқуқий ҳимоя тизимидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, ФКнинг 11-моддасидаги нормани «давлат органлари қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш» тарзида ўзгартириш, СКнинг 157,161,230-моддаларидаги қоидаларни солиқ органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тарзида ифодалаш таклифлари асослантириб берилган.

Диссертация ишида солиқ органларининг «мансабдор шахслари», СКда турлича «масъул мансабдор шахс» (77-модда), «ваколатли мансабдор шахс» (114, 156, 166-моддалар), «солиқ назоратини амалга оширувчи мансабдор шахс» (150-модда), «солиқ аудитини ўтказган мансабдор шахс» (156-модда), каби номлар билан белгиланиб, уларни мазмунини аниқлаштириш ва солиқ органи «мансабдор шахси» тарзида ифодалаш таклиф қилиниб, муаллифлик ҳуқуқий таъриф берилган.

Шунингдек, ушбу ҳимоя усулларининг солиқ органларига нисбатан қўлланилганда ўзига хос хусусиятлари келтирилиб, хусусан низолашилаётган субъектлардан бири ҳамма вақт давлат солиқ органи (махсус субъект) бўлиб ҳисобланиши; солиқ органи ҳужжати (хатти-ҳаракати) тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига, имтиёз ва имкониятининг чекланишига, фаолиятига тўсқинликка сабаб бўлиши; солиқ органининг фақат ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжати (хатти-ҳаракати) низо предмети бўлиши мумкинлиги; низо келтириб чиқарган ҳужжат (хатти-ҳаракат)нинг бошқарув ваколатлари доирасидаги қонунийлигига суд тартибида ҳуқуқий баҳо берилиши лозимлиги асослантилган.

Диссертация ишининг «**Солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик**» деб номланган учинчи бобида солиқ органлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг асослари ва шартлари, ўзига хос жиҳатлари, рақамли реаллик шароитида солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига етказилган мулкий зарарни қоплаш ҳамда ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, етказилган зарарни қоплаш муаммолари таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф илмий-методологик жиҳатдан давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини айрим жиҳатлари мамлакатимиз (О.Оқюлов, И.Насриев, Н.Имомов, Ф.Шодмонов, Ш.Исмоилов, Н.Раимова, Р.Хонназаров, Б.Ҳамроқулов, И.Якубова) ва хорижлик (С.Н.Братусь, И.А.Федорова, И.И.Маскаева, М.К.Махиборода, О.В.Иванова, А.П.Кун, А.Р.Гусалова, А.Е.Корнева, И.В.Усачев, И.В.Кокурина, Т.Т.Шиктыбаев, И.С.Шабунина) олимлар, амалиётчи ва тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида ўрганиб, ўзининг концептуал нуқтаи назарини, илмий қарашларини ифода этиб берган.

Диссертация ишида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси, унинг давлат органларига нисбатан қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик қонун нормалари солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатни қабул қилганлиги, мулкий зарар етказилганлиги, шу билан бирга ишчанлик (ишбилармонлик) обрўйи, тижорат, солиқ сирини билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилишига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чорасини қўллаш масалалари асослаб берилган.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шаклларининг универсал усуллари яъни зарарларни қоплаш ва неустойка (пеня, жарима) ундириш шаклидан ташқари, бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз олиш табиатан зарарлар ва жарималарга ҳам тегишли бўлмаган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус чораси, учинчи мустақил шакли сифатида намоён бўлиши таҳлил қилинган.

Тадбиркорлик субъектининг номулкий ҳуқуқлари шу жумладан ишчанлик (ишбилармонлик) обрўсига фуқаролик қонунчилигида таъриф берилмаганлиги ва асосан фуқарони шаън, кадр-қиммати билан биргаликда ҳимоя қилишни умумий қоидалари келтирилганлиги қайд қилинади, ишчанлик (ишбилармонлик) обрўсига давлат органлари томонидан етказилаётган зарарни ундириш бўйича суд амалиёти ишларининг сони камлиги нафақат қонунчиликни такомиллаштириш, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарадорлигини ошириш лозим, деган хулосага келинади.

Солиқ органлари, мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик (ишбилармонлик) обрўсига аксарият ҳолатларда солиқ сирини ошкор қилиш орқали ҳамда тадбиркорлик субъекти ҳақида нотўғри (тасдиқланмаган) маълумотларнинг тарқатилиши оқибатида зарар етказилиши мумкинлиги асослаб берилган. Шунингдек, “ишбилармонлик обрўси” тушунчасига муаллифлик таърифи берилиб, тадбиркорлик фаолиятида иш муомаласида иштирок этаётган шахсларга нисбатан қўлланувчи бу тушунча тадбиркорнинг муайян соҳада ўзининг фаоллиги, самарали меҳнати билан юксак профессионаллик сифати учун харидорнинг эътирофи эканлиги боис, тегишли қонун нормаларига бу ҳақида ўзгартиш киритиш таклифлари асослантилган.

Тадқиқот ишида зарарни тўлаш ҳимоя усули ўрганилиб, зарарни «тўлаш», «қоплаш» тушунчалари фарқлари таҳлил қилинган, зарарни қоплаш «ундириб бериш» билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ифодалаш, ҳуқуқий муносабатлардаги муайян мажбурият учун маблағларни «тўлаш» тушунчаси ҳар доим ҳам «қоплаш» тушунчаси синоними бўла олмаслиги таҳлил қилиниб, «зарарни қоплаш» бу кенг маънодаги ҳуқуқий тушунча бўлиб, зарар етказган шахс томонидан мажбуриятнинг нафақат ихтиёрий тарзда ижро этилиши, балки мажбурий тарзда ундириш чораларини кўрилиши натижасида етказилган «зарарни қопланиши» таъминлаши боисдан ФКнинг 11, 15-моддасидаги қоидаларни «зарарни қоплаш» тарзида ифодалаш таклифи асослаб берилган.

Рақамли реаллик шароитида солиқ органлари, мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил этилган.

ХУЛОСА

«Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий-назарий аҳамиятга эга хулосалар, қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда қўлланадиган солиқ ва фуқаролик қонунчилиги нормаларининг ўзаро нисбати илмий таҳлил қилиниб, фуқаролик-ҳуқуқий диспозитив нормаларни татбиқ этиш доирасини кенгайтириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида айниқса, пандемия шароитида тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилларини рўёбга чиқаришнинг доктринал асослари назарий ва концептуал нуқтаи назардан асослаб берилди.

2. Тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тавсифловчи тушунчалар ҳуқуқий адабиётларда олимлар томонидан турлича тарзда хусусан, «ҳимоя чоралари», «ҳимоя усуллари», «ҳимоя шакллари», «ҳимоя воситалари», «ҳимоя механизмлари» каби атамалар қўлланилаётганлиги, қонунчилик ва суд амалиётида ўзаро маънодаги фарқлари тугал ифодаламаслиги ўрганилиб, тадқиқотчи томонидан ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган барча чоралар, усуллар ва ҳимоя шакллари бевосита ва билвосита фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларини ўзида мужассамлаштириши асослаб берилди.

3. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи шу жумладан, давлат органларининг қонунга хилоф ҳаракатлардан ҳимоялашга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг шаклланиши ва ривожланиш даврини шартли равишда учта босқичга (1991-2004 йиллар, 2005-2016 йиллар ҳамда 2017 йилдан кейинги давр) таснифлаш мақсадга мувофиқлиги асослантилди.

